



Умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида интеграцияни таъминлаган ҳолда босқичма-босқич 11 йиллик мажбурий ўрта таълим жорий этилиши оқибатида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчилар сонининг қисқариши муносабати билан академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг мол-мулкидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 сентябрдаги 999-ф-сонли фармойиши билан:

а) Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг мол-мулкани хатловдан ўтказиш ҳамда моддий жавобгар шахсларни белгилаш бўйича республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Республика ишчи гуруҳи деб аталади) таркиби 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежларининг мол-мулкани хатловдан ўтказиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларнинг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) Республика ишчи гуруҳига:

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежларининг мол-мулкани хатловдан ўтказиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда ҳудудий ишчи гуруҳлар деб аталади) фаолиятини йўлга қуйиши;

2017 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари ва ташкилотлари масъул ходимларидан иборат туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари ташкил этилган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг барча мол-мулки тўлиқ хатловдан ўтказилишини ҳамда мол-мулк учун моддий жавобгар шахслар белгиланишини ташкил қилиш вазифалари топширилиши;

Бунда, халқаро молия институтларининг кредит в грантлари эвазига келтирилган жихозлар бўйича алоҳида ҳисобот юритилиши таъминланиши;

в) Ҳудудий ишчи гуруҳлар туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари билан биргаликда 2017 йил 10 ноябрга қадар хатлов натижалари бўйича далолатномалар ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўйича

мол-мулк учун моддий жавобгар шахслар рўйхати шакллантирилишини ва Республика ишчи гуруҳига тақдим этилишини таъминлаши;

г) Республика ишчи гуруҳи 2017 йил 20 ноябргча бўлган муддатда хатлов натижалари асосида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси бўйича мол-мулк учун моддий жавобгар шахслар рўйхатини тасдиқлаши ҳамда уларни авайлаб-асраш, келгусида ўқув жараёнида самарали фойдаланиш чораларини кўриши;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежларининг мол-мулкани хатловдан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар иш фаолиятининг самарали ташкил этилишига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг мол-мулкани хатловдан ўтказиш ҳамда моддий жавобгар шахсларни белгилаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда ҳудудий ишчи гуруҳи деб аталади) таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий ишчи гуруҳлари томонидан 2017 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг масъул ходимларидан иборат туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари ташкил этилган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг барча мол-мулки тўлиқ хатловдан ўтказилишини ҳамда мол-мулк учун моддий жавобгар шахслар белгиланишини ташкил қилиш вазифалари топширилсин;

4. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий ишчи гуруҳи 2017 йил 1 ноябргча бўлган муддатда хатлов натижалари асосида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси бўйича мол-мулк учун моддий жавобгар шахслар рўйхатини тасдиқласин ҳамда уларни авайлаб-асраш, келгусида ўқув жараёнида самарали фойдаланиш чораларини кўрсин.

5. Шаҳар ва туман ҳокимликларига ҳудудлардаги касб-хунар коллежларининг мол-мулкани хатловдан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар иш фаолиятининг самарали ташкил этилишига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклансин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси


К. Сариев

**Қорақалпоғистон Республикасидаги касб-хунар коллежларининг
 мол-мулкни хатловдан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби**

1.	М.Жуманов	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Худудий ишчи гуруҳ раҳбари
2.	Қ.Бектурдиев	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, гуруҳ аъзоси ўринбосари
3.	А.Аяпов	Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи, гуруҳ аъзоси ўринбосари
4.	У.Сабуров	Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, гуруҳ аъзоси
5.	Ж.Уснатдинова	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари, гуруҳ аъзоси ўринбосари
6.	Б.Юсупалиев	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари (келишув асосида)
7.	П.Сейтмуратов	Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари, гуруҳ аъзоси
8.	А.Убайдуллаев	Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири в.б, гуруҳ аъзоси
9.	З.Камалов	Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш кўмитаси раиси, гуруҳ аъзоси
10.	А.Тажетдинов	Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазири, гуруҳ аъзоси
11.	П.Айтмуратов	Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири, гуруҳ аъзоси
12.	Т.Исмайлов	Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, гуруҳ аъзоси
13.	Б.Мнажов	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон

		Республикаси худудий бошқармаси бошлиғи, гуруҳ аъзоси
14.	К.Байжанов	Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, гуруҳ аъзоси
15.	Ғ.Байниязов	Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси, гуруҳ аъзоси
16.	А.Турумбаев	Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси, гуруҳ аъзоси
17.	Б.Угамбетов	Қорақалпоғистон Республикаси Назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи, гуруҳ аъзоси
18.	Ф.Султанов	Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирининг биринчи ўринбосари, гуруҳ аъзоси
19.	Лавозими бўйича	Шаҳар ва туман ҳокимлари.

Изоҳ.

Гуруҳ аъзоси бошқа шға ўтганда улар ўрнига тайинланган ёки тегишли вазифа юклатилган шахс гуруҳ таркибига киритилади.
Тармоқ идоралари тасарруфидаги касб-ҳунар коллежлари жойлашган хуудларда хуудий шғи гуруҳ таркибига тармоқ идоралари раҳбарлари киритилади.